

Сийрат дарслари (56-дарс). Денгиз сувида таҳорат қилаверайликми?



13:55 / 25.10.2019 5604

281. Амр ибн Ос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам: **«Ҳоким ҳукм қилган чоғида ижтиҳод қилиб тўғри топса, унга икки ажр бўлади. У ҳукм қилган чоғида ижтиҳод қилсаю, хато қилса, унга бир ажр бўлади»**», дедилар.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

282. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан: «Эй Аллоҳнинг Расули, биз денгиз (кемаси)га минамиз. Ўзимиз билан озроқ сув оламиз. Агар у билан таҳорат қилсак, чанқаймиз. Денгиз сувида таҳорат

қилаверайликми?» деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Унинг суви пок, ўлимтиги ҳалолдир»**, дедилар».

Абу Довуд, Термизий, Насоий, Ибн Можа, Ибн Жоруд, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

283. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Бирортангиз оқмайдиган турғун сувга бавл қилмасин, (чунки) кейин унда ғусл қилиши бор»**, деяётганларини эшитдим».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

284. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Мен ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир идишдан ғусл қилар эдик. Қўлларимиз унга навбатма-навбат кириб-чиқар эди. Ҳатто **«Менга ҳам қолдир»**, дердилар. «Менга ҳам қолдиринг», дер эдим».

Бухорий, Муслим ва Насоий ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан